



## ХУСУСИЙ МУЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Ташмухамедова Махина**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0003-6002-1620

[maxinatashmuxamedova@gmail.com](mailto:maxinatashmuxamedova@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада хусусий мулкчилик муносабатларини шакллантиришнинг хориж тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мулкчилик, мулк, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, акциялар, аукцион, нодавлат сектори, ваучер, инфратузилма.

## ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ИНОСТРАННЫХ ГОСУДАРСТВАХ

**Ташмухамедова Махина**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены и анализированы опыт формирования частной собственности в иностранных государствах.

**Ключевые слова:** собственность, отношения собственности, разгосударствление, приватизации, негосударственный сектор, акция, аукцион, ваучер, инфраструктура.

## EXPERIENCE IN THE FORMATION OF PRIVATE PROPERTY RELATIONS

**Tashmukhamedova Makhina**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article examines the foreign experience in the formation of private property relations and highlights their distinctive features.

**Keywords:** property relations, property, denationalization, privatization, shares, auction, non-state sector, voucher, infrastructure.

### Кириш.

Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг юқори даражадаги ижтимоий – иқтисодий тараққиёти негизида жамиятдаги мулкчилик муносабатларининг оқилона ва самарали шакллантирилгани ётади. Айниқса, иқтисодиётдаги давлат ва хусусий секторнинг самарали нисбати, зарур ҳолларда давлат мулкчини хусусийлаштиришнинг таъсирчан восита ва шаклларидан фойдаланиш мамлакатдаги мулкдорлар манфаатдорлигини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг изчил ривожланишини таъминлайди. Маълумотларга кўра, “хусусийлаштириш асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича

фаол сиёсат ўтказилаётган жаҳоннинг 80 дан кўпроқ тури мавжудлигидан далолат бермоқда. Жумладан, АҚШ, Япония, Германия, Англия, Швейцария, Франция ва бошқа шу каби жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида хусусий сармоядорларга илгари миллийлаштирилган саноат ва банк гуруҳларини, давлат мулкни сотиш хусусийлаштириш ҳамда мулк эгалари сонини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Мазкур жараён фонд биржалари, кимошди савдолари, танловлар, давлат акцияларини бевосита корхона ходимларига, сармоя эгаларига, шу жумладан хорижий сармоядорга сотиш орқали амалга оширилади” (Ғуломов, 1997).

Хорижий мамлакатларда мулк объектлари бўйича давлат ва хусусий сектор улушининг оқилона нисбатини таъминлаш, самарасиз фойдаланилаётган давлат мулк объектлари ва корхоналарини хусусийлаштириш, бунда мулкни фонд биржалари ва кимошди савдолари орқали акция ёки бошқа мулк пай кўринишида тадбиркорлар, меҳнат жамоаси аъзолари, пенсия фондлари ва хорижий сармоядорларга сотиш воситалари, кейинчалик сотиб олиш шарт билан ижара шартномалари механизмларидан самарали фойдаланиш муаммолари тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришда давлат – хусусий шериклик шаклидан самарали фойдаланиш ҳам бу борадаги илмий тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Хусусий мулк – ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таянчи. Мулкчилик масаласи бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мулк муносабатларни тубдан ўзгартириш иқтисодий муносабатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Унинг туб моҳияти мулкни ҳақиқий эгалари қўлига бериш ҳисобланади. Бунда мулкни хусусийлаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Академик Ғуломов (1997) таъкидлашича: Хусусийлаштириш шакллари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, хўжалик муносабатлари таркибининг хусусиятлари ва бошқа омилларга қараб ўзгариб туради. Бундай муносабатлар юксак тараққий этган индустриал давлатлар, ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, янги иқтисодий тузумга ўтиш амалга оширилаётган давлатларда турлича амал қилади. Хусусийлаштиришнинг 20 дан кўпроқ тури мавжуд.

Жумладан, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Япония, Германия, Англия, Швейцария, Франция ва шу қабиларда) хусусий сармоядорларга илгари национализация қилинган ва банк гуруҳларини, давлат мулкни сотиш хусусийлаштириш ҳамда мулк эгалари сонини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади (Жўраев, 1992).

Шодмонов, Алимов ва Жўраев (2002) таъкидлашича, “Мулкни давлат тасарруфидан ва хусусийлаштириш мулкчиликини ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш давлат иқтисодиётининг давлатлаштиришдан қайтиш йўллариандир.

Таниқли иқтисодчилар Ўлмасов ва Шарифхўжаев (1995) таъкидлашича: “Мулк муносабатлар тараққиётида приватизация ҳам заруриятга айланади. Мулк монополиядан мулк эркинликка ўтиш муқаррарлигидан приватизация зарурияти келиб чиқади. Приватизациянинг луғавий маъноси хусусийлаштириш дегани. Аммо приватизация иқтисодий жиҳатдан мулкни давлатлаштиришдан чекинишни, давлат мулкни бошқа мулкларга айланишини билдиради. У давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулк шакллари ривожлантиришдир”.

XX асрнинг энг буюк математиги ва файласуфи Рассел (2026)нинг “Нега мен коммунист эмасман?” (Why I Am Not a Communist) номли машхур эссесида таъкидланишича: Карл Маркснинг энг катта хатоси – у ҳамма нарсани “Иқтисодий детерминизм” (яъни, ҳамма бало пулда) деб ўйлаганида эди. Унинг фикрича, агар хусусий мулк йўқотилса, одамлар бир-бирларини эзишни тўхтатадилар. Рассел бунга ҳам эътироз билдиради: “Инсонни фақат моддий бойлик эмас, балки хокимиятга бўлган хирс бошқаради”.

Биламизки, Совет иттифоқида хусусий мулк йўқ эди. Завод, фабрикалар давлатники эди. Лекин бу тенгликка олиб келмади. “Капиталистлар” ўрнига ундан ҳам вахшийроқ “Партократлар” (Партия амалдорлари) пайдо бўлди. Уларнинг заводи йўқ эди, лекин улар миллионлаб одамларнинг тақдирини ҳал қиларди. Рассел айтганидек, мулкни олиб қўйиш билан хокимиятга бўлган чанқоқ йўқолмайди, у фақат шаклини ўзгартиради.

### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мантиқий абстракция, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилди. Тадқиқотнинг услублари, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишлари деаликтик метод асосида шакллантирилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мулкни хусусийлаштириш бу ҳозирги даврнинг объектив жараёни бўлиб, дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар XX асрнинг 70- йилларида хусусийлаштириш жараёнини бошлаб берган ва ҳозирги кунда бу мамлакатларнинг иқтисодиёти турли мулк шакллари эркин рақобати натижасида бозор иқтисодиёти йўли билан илдам қадамлар билан ривожланиб бормоқда. Хусусийлаштириш жараёнининг асосчилари – бу Англиянинг собиқ бош министри Тетчер ҳисобланади. Кейинчалик Хитой ҳам социалистик дунё мамлакатлари орасида биринчилар қаторида иқтисодиётда хусусийлаштириш жараёнини ўтказди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давлат мулк монополиясига барҳам бериш ва уни хусусийлаштиришни талаб этади.

Давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосини хусусийлаштириш ташкил этади. **Хусусийлаштириш** – бу давлатга қарашли мулкнинг фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк шаклида берилишидир.

Хусусийлаштириш миқёси ва услублари, муддати турлича бўлиб, улар асосан ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Масалан, хусусийлаштириш бир қанча давлатларда қуйидагича амалга оширилди. Хусусан, Британияда корхоналарнинг акцияларини сотиш билан биргаликда бепул тарқатилди. Давлат уй-жойлари уларда яшаётганларга сотилди.

Германияда асосан мулкни сотиш орқали, Венгрияда ҳақ тўлашни жорий қилиш орқали бўлса, Польшада йирик корхоналар акционер жамиятларга айлантилди. Ўрта ва майда корхоналар сотилди. Купон тарқатилиб, бепул тақсимланиб, қолгани, асосан пул тўлаб сотиб олинди. Россияда эса 1992 йилда ҳар бир фуқарога 10000 рубллик ваучер тарқатилди. Натижада ҳар бир киши шу суммага тенг миқдорда давлат мулкида ўз хиссасига эга бўлди.

Хусусийлаштириш миқёси аввало, у ёки бу мамлакатда хусусий секторни қай даражада миллийлаштириш даражасига боғлиқ. Миллийлаштириш услубидан кам фойдаланган АҚШ, ГФР, Японияда хусусийлаштириш тенденцияси суст бўлган ҳолда, Англия, Франция, айниқса, собиқ социалистик мамлакатларда бу ниҳоятда кенг миқёсда амалга ошилди.

Хусусийлаштириш муддати ҳам турли мамлакатларда турлича. Масалан, Англияда 11 йил, яъни 1979-1990 йиллар давомида ўтказилиб, мамлакат аҳолисининг капитал ва акцияларга эга бўлган мулкдорлари 7% дан 21 % га ортди, уй-жойни хусусийлаштириш асосида ўз уйига эга бўлган оилалар ҳиссаси 55 %дан 66%га ортган. Ғарбий Европа мамлакатларида 10-15 йил, Японияда 10 йил, бошқа мамлакатларда ҳам шу муддат атрофида вақт кетди.

Айрим ҳолларда хусусийлаштириш натижасида давлат-хусусий аралаш корхоналари пайдо бўлади. Бу корхоналарда ишлаб чиқаришга бозор ва маъмурий йўл билан таъсир кўрсатиш қўшиб олиб борилади. Давлат ва хусусий сармоя ўртасида ҳамкорлик мавжуд бўлиб, бунда илмий-техникавий, технологик-хўжалик ва бу корхоналарни ривожлантиришнинг бошқа масалаларини ҳал этишда вазифаларни ўзига хос бўлиб олинишига дуч келади. Одатда бу хилдаги йирик миллий ва халқаро корпорацияларда давлатга тегишли акциялар сони ҳамда унинг умумий сармоёдаги улуши камаяди.

Мулкни фонд биржалари ва кимошди савдоларида акциялаш йўли билан алоҳида тадбиркорларга, компанияларнинг хизматчиларига, пенсия фондлари ва хорижий сармоядорларга сотиш бу мамлакатлардаги хусусийлаштиришнинг кенг тарқалган воситалари ҳисобланади (Расулов, 1999).

Мулккий муносабатларнинг умумий ва хусусий томонлари мавжуд бўлганидек, хусусийлаштиришнинг ҳам умумий қонуният ва талаблари ҳамда шунингдек, миллий, оммавий, хусусиятлари мавжуддир. Кейинги йилларда иқтисодиётни нодавлатлаштириш жараёни шароитида ноғоявийлаштириш кучаймоқда. Чунки фақат хусусийлик тарафдорлари бўлганлар ёки давлат иқтисодиёти тарафдорлари бўлганлар камайиб, ўз аҳамиятларини йўқотмоқдалар. Масалан, Буюк Британиянинг йирик нефть компанияси, “Бритиш потролиум”ни консерваторлар эмас, балки лейборист демократлар хусусийлаштиришди. Швецияда ҳам социал – демократлар худди шундай қилишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин (Расулов, 1999).

Ғарб давлатлари тажрибасига кўра иқтисодиётнинг нодавлатлаштириш усулларида тўрт хилини самарали деб танласа бўлади.

Албатта бу усулларни Ўзбекистон учун тўғри келади деб бўлмайди. Лекин улардан фойдаланиш мумкин. Шунга кўра буларни таҳлил этиш фойдадан ҳоли эмас деб ўйлаймиз.

1.Бозорни либераллаштириш. Бу баҳолар эркинлигига ўтиш билан рақибларни бозорда кўпайтириш чораларини қўллаш, кичик бизнесни кучайтириш, чет товарларини кўпроқ келтириш шароитларини кенгайтириш кабилар бозорни ўзидан – ўзи приватизациясиз нодавлатлаштириб, кенгайтирилади ва талабни қондириш даражасини кўтаради.

2.Акциянерли давлат-шахсий корхоналарини яратиш, уларни фаолият соҳасини кенгайтириш. Бунда давлатнинг акцияли капиталдаги ҳиссасини пасайтириб боришга қаратилган солиқ, кредит каби механизмлар мавжуд.

3.Давлат иқтисодиётига хос нобозор муҳитни кетма-кет йўқ қилувчи нодавлатлаштириш усуллари. Булар бюджет ҳисобига корхоналарнинг ишини яхшилаш, давлат буюртмасини қисқартириш, кредит қарзлардан воз кечмаслик, хусусий инвестиция шароитларини давлат корхоналарига татбиқ этишлардан иборатдир. Бу бозор муносабатларига йўл очади.

4. Хусусийлаштиришни амалга ошириш. Агар хусусийлаштириш кенг қўлланилса айрим шахслар, сотиладиган корхоналар, банк, янги акционер жамиятлар, чет фирмаларнинг жамoa аъзолари мулкдорлар қаторига қўшилиб борадилар (Расулов, 1999).

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу 4 та усул ғарб мамлакатлари тажрибаси асосида тузилган. Лекин Ўзбекистон Республикаси шароитларини ҳисобга олган ҳолда булардан

муваффақиятли фойдаланиш ва бу бизнинг шаклланаётган бозор иқтисодиётимиз учун катта фойда келтириши мумкин.

Хусусийлаштиришни иқтисодиётни либераллаштириш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки либераллаштириш бевосита бозорни кенгайтиради, яъни бу жараёнга таъсир кўрсатиб, тезда самара бера бошлайди. Ўзбекистонда шундай йўл тутилади.

Ривожланган мамлакатларда хусусийлаштириш молия бозорига таъсир этади, натижада сотиладиган акциялар кўпайиши билан таклиф ортади. Бу ҳеч қандай харажатлар билан боғлиқ бўлмайди ва истеъмол буюмларига бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади. Фойдали бўлгани учун фуқаролар хурсандлик билан давлат мулкисининг сотилишида фаол қатнашадилар. Инфляцияга қарши таъсир кучли бўлади. Даромадларнинг бир қисми акциялар сотиб олишга сарфланганлиги сабабли товар ва хизматлар бозорида талаб пасаяди. Англия, Францияга ўхшаган мамлакатларда приватизация жараёнида худди шундай воқелик юз берган.

Приватизация усуллари танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Агар ишбилармонликни рағбатлантириб мулкий масъулиятни кучайтириш назарда тутилса, приватизация сараланган озчилик ўртасида ўтказилади. Мулкчиликда ижтимоий адолатни таъминлаб, ҳамма учун тенг имконият яратиш шарт бўлса, приватизация бутун халқ иштирокида ўтказилади. Бунга Россиядаги ваучеризация мисол бўла олади. Россияда 1992 йили ҳар бир фуқарога 10000 рубллик ваучер тарқатилди, бу билан ҳар бир киши давлат мулкида шу суммага тенг ҳиссага эга бўлди (Ўлмасов ва Шарифхўжаев, 1995).

1980 йиллардан АҚШ да инфратузилма тармоқлари корхоналарининг мақоми аста-ссекин ўзгариб бормоқда. Бундан олдин уларнинг асосий қисми миллий (электр энергияси, газ таъминоти) юки жамоа мулки бўлган (сув таъминоти, канализация, шаҳар хўжалиги) шаҳар корхоналари сифатида ташкил этилган.

1990 йилларда хусусийлаштириш жараёнлари АҚШ инфратузилмасини қамраб олди. 1990 йилларнинг ўрталарида, Конгресс Аласкада, Амтрак темир йўл компанияси, Федерал почта алоқаси, мамлакатнинг ҳаво ҳаракатини бошқариш ва назорат қилиш тизими ва бошқа йирик объектлар ва умуммиллий хизматларни хусусийлаштиришга тайёргарлик бошланди. Хатто қамоқхоналар ҳам ҳам хусусий қўлларга топширилди.

Шу билан бирга, реал секторда давлат мулки хали ҳам мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмидир. АҚШнинг давлат сектори ҳозирги кунда дунёдаги энг йирик хисобланади, гарчи у бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тахминан 8 фоизини ташкил этувчи давлат секторида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг массаси билан таъминланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда давлат бошқаруви сектори ва давлат корхоналари сифатида тушунилган Америка давлат сектори мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тахминан 37.6 фоизини ташкил қилади, тахминан 5381 миллиард долларни ташкил этади (Тилабов, 2022).

Кўплаб миллий миқёсдаги йирик АҚШ компаниялари аралаш корхоналар шаклида жамоат мулкида узоқ вақт давомида сақланиб келмоқда.

2026 йил январь ойида интернет хабарларида айтилишича, Англиянинг Рединг шаҳридаги собиқ қамоқхона “Ziran Educational Foundation” фонди томонидан сотиб олинди, деб маълум қилди “weekend”.

Мазкур бинода 1895-1997 йилларда ёзувчи Уайлд ҳам жазо муддатини ўтаган.

Янги лойиҳа таъқиб ва босимга учраётган ижодкорлар учун хавфсиз макон бўлиши режалаштирилмоқда. Фонд вакиллари бу ерда санъат маркази ҳамда бутик меҳмонхона очмоқчи.

Бу ёзда фонд реконструкция бўйича концепцияни тақдим этади: қайта қуриш жараёнида камералар кўرғазма заллари ва студияларга айлантирилади. Архитекторлар

викториан даврига хос қамоқхона қиёфасини асраб, унинг оғир тарихини замонавий санъат билан уйғунлаштиришни ваъда қилмоқда (Хуррият, 2026).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, собиқ социалистик мамлакатлар таркибида бўлган Венгрия ва Чехословакия мамлакатларида иқтисодиёт ўтмишда Ғарб мамлакатлари иқтисодиётини эслатар эди. Венгрияда энг муҳим тармоқлар Совет Иттифоқида ва бошқа коммунистик давлатларда бўлганидек давлат мулки бўлсада, кўпгина савдо ва саноат корхоналари хусусий шахслар қўлида эди. Бунда давлат корхоналарининг хусусий секторда ўриндошлик асосида ишловчи ходим – шунчалик кўп эдики, жорий маълумотларга қараганда, Венгриядаги жами иш кучининг қарийб ярми шу “иккинчи иқтисодиёт” да банд эди, шунинг учун Венгрия аҳолиси Шарқий Европа блокадаги кўпгина мамлакатларга нисбатан яхшироқ яшар эди.

Венгрияда иккита иқтисодиёт мавжуд эди. Биринчи социалистик иқтисодиёт бўлиб, бунда давлат режалаштириш идоралари маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини юқоридан пастга туширар, ресурсларни тақсимлар ҳамда давлат саноат ва савдо корхоналари учун баҳони белгилаб берар эди. Иккинчи иқтисодиётни минг-минглаб хусусий фирмалар ташкил этар эдики, бу фирмаларнинг эгалари фойда олиш истагига амал қилиб ва истеъмол талабининг таҳлилига таяниб, керакли қарорларни қабул қилар эдилар.

Истеъмолчи талабини қондиришга қодир бўлмаган режали иқтисодиётдаги тангликни чўзилиб кетиши Венгрия тизимида янада кўпроқ ўзгаришлар қилиш зарурати кучайишига олиб келди. Бу ҳол хусусийлаштириш жараёни, яъни давлат корхоналарини хусусий мулкка айлантириш жараёни суръатларини тезлаштирди. 1989 йилда айрим Америка компаниялари ва бошқа хорижий компаниялар венгриялик шериклар билан амалий муносабатлар ўрнатиш ниятида эканликларини эълон қилдилар. Ўша йилнинг охирига бориб Будапешт фонд биржасида камида юзта компания намоёндаси иштирок этиши маълум бўлиб қолди.

Бундай ҳолатларга собиқ СССР раҳбарияти мутлақо қарши эди. Натижада бундай уринишлар Венгрия ва Чехословакияда ҳарбий куч билан 1989 йилда бостирилиб, умуман, бундай уринишлар социалистик иқтисодий тизим учун ёт нарса деб кўрсатилган эди.

Совет Иттифоқи тарқалиб кетгач постсовет ва Шарқий Европа давлатларида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг фаол жараёни бошланди. Табиийки, бу жараён ҳар бир давлатда халқ ва мамлакатнинг алоҳида хусусиятлари билан белгиланувчи жиҳатларга эга эди. Шунга қарамасдан кўпгина халқаро ташкилотлар ва муассасалар бу жараёнларни муайян даражада қонунлаштиришга уриниб кўрдилар. Чунинчи, “шок терапияси” деб ном олган Польша тажрибаси кенг қўллаб-қувватланди. У ерда хусусийлаштиришнинг тезлаштирилган усуллари қўлланилган – собиқ СССРнинг барча республикаларига хусусийлаштиришнинг ваучер ечими тикиштирилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Россия ана шу йўлдан борган эди.

Шу ерда бир ҳолатга тўхтаб ўтишни лозим топамиз. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг барча мустақилликка эришган республикаларда собиқ шўролар давлатидан мерос бўлиб ерга эгалик масаласи муаммо эди. Бошқа республикаларда бўлгани каби Озарбайжонда ҳам ер ислохотлари долзарб вазифа эди. Бозор иқтисодиёти шароитида ер эгасига қайтарилиши, хусусийлаштирилиши керак эди. Республика Президенти Ҳайдар Алиев буни яхши тушунарди ва 1996 йил 2 августда “Ер ислохоти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва собиқ шўро республикалари орасида биринчилардан бўлиб Озарбайжонда ер ислохоти ўтказилди, ер деҳқонга текинга берилди. Ерга эгалигининг учта – давлат, муниципал ва хусусий мулкчилик шакли жорий этилди. 2032 колхоз ва совхоз тугатилди, 870 минг оила, яъни 3442778 субъект ер майдони олди. Бунда деҳқонларга унумсиз, яроқсиз ерлар эмас, айти унумдор ер ажратилди. Энди ер эгаси ерни ўз билганича тасарруф қилиши – деҳқончилик қилиши,

ижарага бериши ёки сотиши мумкин бўлди. Бу Хайдар Алиев амалга оширган жуда катта, айтиш мумкинки, инқилобий ўзгаришлардан бири бўлди ва ижобий натижа берди.

Президент аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам муҳим тадбирларни амалга оширди. Электр, газ, коммунал хизматлар нархини кўтаришни тақиқлади, Боку метрополитени давлат ажратган маблағ ҳисобига ишлайдиган бўлди. Ҳозирги Президент Илхом Алиев ҳам жамоат транспортининг йўл ҳақини энг паст даражада ушлаб турибди.

Ўзбекистонга ҳам тайёр ечимлар тиришиб-тортишиб таклиф қилинишига қарамасдан республика ҳукумати бозор муносабатлари сари ўз йўлидан борди. Бу йўл миллий ўзига хосликни ҳам, иқтисодиёт, аҳолини ҳам, чуқур ижтимоий ларзаларни четлаб ўтиш мақсадида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси масалаларини ҳам ҳисобга оларди. Ўзбекистон ислохотларнинг ўз йўлини танлаб олди ва шу йўлни изчил амалга ошира бориб, кўзлаган мақсадларига ишонч билан эришмоқда (Адабиёт газетаси, 2023)

Мамлакатимизда давлат мулк объектларини хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда хусусий сектор ролини кенгайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, 2030 йилгача нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш ва давлат иштирокидаги корхоналарни 6 бараварга қисқартириш, давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш, улар таркибидаги рақобат муҳити шаклланган соҳалардаги корхоналар сонини камайтириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб берилган. Масалан, кейинги беш йил давомида (2020-2024 й.й) Республикада 4737 та давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилди ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар 26093,3 млрд.сўмни ташкил қилган. Биргина 2025 йил (январь-сентябрь) ойларида эса 994 та корхона ва объектлар хусусийлаштирилган ва давлат активлари реализациясидан жами 7096,3 млрд.сўм тушум олинган. Умуман олганда, мамлакатимиз 2025 йилни тарихий ислохотлар даври сифатида яқунлади. Масалан, 2025 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 млрд.доллардан ошди, жалб қилинган хорижий инвестициялар 43,1 млрд.долларни ташкил этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган Мурожаатномасида барча соҳаларда рўёбга чиқарилган ислохотлар чуқур таҳлил қилиниб, истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Олтига устувор йўналиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирлар мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мурожаатномада 2026 йил учун энг муҳим ва устувор жиҳатлар изчил акс этди. Унда, энг аввало, иқтисодий юксалишнинг янги модели, яъни иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш таклиф қилинди. Шунингдек, барқарор ва сифатли ривожланишни таъминлаш, ЯИМ ўсишини сақлаб қолиш билан бирга, унинг таркибини юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳисобига яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. 2026 йилда 52 млрд.долларлик 782 та янги саноат ва инфратузилма лойиҳасига старт берилади, 14 млрд.долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилади.

2025 йилда чет эллик ҳамкорларимиз билан 140 млрд.долларлик янги инвестициявий келишувларга эришган бўлсак, 2026 йилда 50 млрд.доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши кутилмоқда. 2026 йилда иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсишни таъминлаб, ялпи ички маҳсулотни 167 млрд.долларга етказиш прогноз қилинмоқда.

Янгиланаётган Стратегияда 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 млрд.долларга етказиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 5800 долларга

ошириш, инфляцияни 5-6 фоиз даражасида ушлаб туриш ҳамда давлат қарзини ҳавфсиз меъёрлар доирасида сақлаш каби аниқ мақсадлар белгиланган. Бу вазифалар мамлакатимизнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада Президентимиз таъкидлаганидек, асосий хорижий шерикларимиз билан кўп қиррали ва манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунда хусусий мулкчилик муносабатларини шакллантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратилади. Мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, бу юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган. Президентимиз, айтганидек: Бир бўлсак, ягона халқ, ягона миллат бўлиб олға интилсак, кўзлаган улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

### **Адабиётлар / Литература/References:**

- Адабиёт газетаси (2023) 5 май, №5(75).*  
*Амалий иқтисодиёт (1996) Ўқув қўлланма. Тошкент: Шарқ нашриёти, р. 180.*  
*Ғуломов, С. (1997) Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент: Меҳнат, рр. 37–38.*  
*Жўраев, Т. (1992) Мулкчилик ва уни рўёбга чиқаришнинг иқтисодий шакллари. Тошкент, р. 61.*  
*Рассел, Б. (2026) Нега мен коммунист эмасман? Миллий тикланиш, 7 январь, р. 7.*  
*Расулов, М. (1999) Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, рр. 73–74.*  
*Тилабов, Н. (2022) Хусусийлаштириш ва давлат–хусусий шериклик. Тошкент, рр. 112–115.*  
*Тожибоева, Д. (2002) Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, рр. 98–99.*  
*Ўлмасов, А. ва Шарифхўжаев, М. (1995) Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Меҳнат, рр. 147–149.*  
*Хуррият (2026) Рассомлар учун янги бошпана. 21 январь, р. 5.*  
*Шодмонов, Ш., Алимов, Р. ва Жўраев, Т. (2002) Иқтисодиёт назарияси. Академик С.С. Ғуломов таҳрири остида. Тошкент: Молия, р. 78.*